

Нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида

ШАРТНОМА № 1/60

2022 йил «19» январ

Кучлик МФЙ

«Кучлик нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда « Етказиб берувчи »деб юритилади) “Низом” асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Э.Т.Худайшукуров** бир тарафдан ва Чирчик Оҳангарон ирригация тизимлари хавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси (кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб аталади) номидан “Низом” асосида фаолият юритувчи раҳбари М. Ҳамидов иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар;

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефт Маҳсулотлари ўзаро келишилган нархларда белгиланган тартибда етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини олдиндан 100% тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда ўз зиммасига олади.

Нефть маҳсулотининг номи	Микдори (тн)	(1 тн.учун) 13.01.2022 йилдан белгиланган нарх	Ҳақиқатд а сотилган маҳсулот нархи (хисоб-фактурага асосан)	Суммаси (сумма биржа уртача катировка нархларига асосан узгариши мумкин)
Автобензин Аи-80	4,000	9 100 000,0		36 400 000,00
Дизел ёнилги ЭКО	4,000	11 251 570,0		45 006 280,00
ЖАМИ				81 406 280,00

1.2.Шартноманинг умумий қиймати 81 406 280,00 сўмни,

Шу жумладан ҚҚС 10 618 210,43 сўмни ташкил қилади ва «Истеъмолчи» йил давомида оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% тўловни қуйидаги ҳисоблардан амалга оширади:

Бюджет ҳисобидан: 81406480 сўм.

Бюджетдан ташқари (махсус) ҳисобдан: — сўм.

1.3. Шартнома суммаси ёки нархлар ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. “Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га нефть маҳсулотлари “Етказиб берувчи”нинг махсус автотранспортда ёки транзит тартибда етказиб берилади. “Истеъмочи” маҳсулотни ўзининг автотранспортда олиб кетган тақдирда ҳақ талаб қилинмайди.

2.2.Нефть маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) маҳсулот ҳақи тўлиқ тўлангандан сўнг “Истеъмолчи”нинг талаби асосида амалга оширилади.Нефть маҳсулотлари олиб чиқиб кетилишида автоцистерналар нефть база томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи»нинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. “Истеъмолчи” оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% маблағларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2.Хисоб-китоб ракамига маблағлар келиб тушгач “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га (“Истеъмолчи”нинг махсус автотранспортда ёки ижарага олинган автотранспортда олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар барча талабларга жавоб берган тақдирда руҳсат этилади) маҳсулотларни махсус автотранспортларда етказиб беради.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1.Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:

- а)«Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқишни қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;
- б)«Истеъмолчи» транзит орқали нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1.«Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.

5.2.Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть маҳсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

5.3.«Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.«Етказиб берувчи» асоссиз равишда нефть маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2.Амалдаги қонунчилик ёки ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шариотлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот киймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Етказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3.Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий кийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

6.4.Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан тартибга солинади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1.Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини гайритабиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НКИЗ ларнинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТКнинг айби билан ёки маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори

ташкilotлар томонидан ўзгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Махсулотлар мавжуд манбалар асосида етказиб берилади.

9. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларда ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлади.

9.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва худудий газначилик бўлимидан тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«O'ZBEKNEFTGAZ» AJ

«KUCHLIK NEFT BAZASI» MCHJ

111508, Toshkent viloyati O'rtachirchiq tumani

«Kuchlik» MFY, Iste'dod ko'chasi 58-uy

Tel.: (95) 177-80-91 Бух: (90) 121-61-68

Asosiy. H/г: 2021 0000 6005 8704 6001

H/г: 2321 0000 6005 8704 6333 фермер хужалик у-н

«ORIENT FINANS» ЧАКБМФО: 01115

INN: 204 640 0100KED: 46710

«Кучлик нефт базаси» МЧЖ

директори Маслак Э.Т. Худайшукуров.

Ички сотиш бўлими



«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«Тошкент-Экспансион ИТХБ Хузиридаги»
«ТОШКЕНТ НСЭБ»

Тел.: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тошкент йули, 55.

ИД/хв: 1000 2186 0274 0170 4240 2170 004

ИНН: Молия Вазирлиги Раёсатчилиги

Амалиёт Боқармаси

БАНК: ИНН: 200 648 105 ОКЭД: 01-613

Х/Р: У/р: 2340 2000 3001 0000 1010

ХККМ МБ Бош Бошқармаси

МФО: 00014, ИНН: 201 122 9...

Раҳбар:



